

## «ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ўзбекистон Республикаси Миллий  
гвардияси қўмондони ўринбосари –  
Қўриқлаш бош бошқармаси  
бошлиғи в.б. полковник



Н.А. Қурбонов

2019 йил «09» август

### ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ РЕГЛАМЕНТИ

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш бўлинмалари томонидан қўриқланаётган объект ва фуқаро хонадонларига ўрнатилган қўриқлаш-ёнғиндан огоҳлантирувчи сигнализация воситаларига техник хизмат кўрсатиш

#### 1. Хизматлар тавсифи

##### 1.1. Хизматларнинг номланиши

Шартнома асосида:

- фуқаро хонадонларини техник қўриқлаш марказлари (пунктлари) орқали хусусий мулкларини қўриқлаш;
- объектларни техник қўриқлаш марказлари (пунктлари) орқали ҳамда «ташвиш» тугмаси орқали қўриқлаш.

##### 1.2 Хизмат натижалари

Жисмоний ва юридик шахсларнинг хусусий мулкларини ишончли қўриғини таъминлаш.

##### 1.3 Хизмат кўрсатувчи давлат идоралари

Миллий гвардия Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар қўриқлаш бўлинмалари.

##### 1.4. Ҳуқуқий асос

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 03 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш хизматининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 555-сон қарори.

### **1.5. Хизматдан фойдаланувчи**

Миллий гвардия Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар қўриқлаш бўлинмалари билан шартнома тузган жисмоний ва юридик шахслар.

### **1.6. Мурожаатларни топшириш муддати**

Телефон тармоғи орқали мурожаат объект ва фуқаро хонадонини қўриққа топширишдан икки соат олдин техник қўриқлаш марказидаги (пунктидаги) «Қўриқлаш-ёнғиндан огоҳлантирувчи сигнализация воситаларини созлаш учун тушган буюртмаларни рўйхатга олиш» журналига қайд қилингандан сўнг.

### **1.7. Мурожаатларни топшириш муддати**

Мурожаат келиб тушгандан сўнг бир иш кунида ёки хўжалик идораси билан келишилган ҳолда.

### **1.8. Тасдиқ муддати**

-

## **2. Хизматлар тўғрисидаги маълумотлар**

### **2.1. Маълумот тузилиши ва мазмуни**

Қуриқланаётган объект ёки фуқаро хонадонидаги қўриқлаш-ёнғиндан огоҳлантирувчи сигнализация воситаларига техник хизмат кўрсатилгандан сўнг носозлик сабаблари ва олиб борилган ишлар буйича маълумотлар тақдим этилади.

### **2.2. Тўлиқ маълумот**

Жисмоний ва юридик шахслар хусусий мулкларини техник қўриқлаш марказлари (пунктлари) орқали қўриққа олиш тўғрисидаги маълумотлар тўғрисида:

- Миллий гвардия Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар қўриқлаш бўлинмаларига телефон тармоғи ёки ёзма мурожаат қилган ҳолда;
- Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг расмий веб-сайти ([milliygvardiya.uz](http://milliygvardiya.uz)) орқали олиниши мумкин.

### **2.3. Мурожаат орқали маълумот олиш**

Телефон тармоғи ёки ёзма мурожаат қилинганда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш бўлимлари томонидан қўриқланаётган объект ва фуқаро хонадонларига ўрнатилган қўриқлаш-ёнғиндан огоҳлантирувчи сигнализация воситаларига техник хизмат кўрсатиш буйича маълумотлар тақдим этилади.



## **2.4. Хизматларни кўрсатиш жойларида маълумот олиш**

Миллий гвардия Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар қўриқлаш бўлинмалари.

## **2.5. Фойдаланиладиган ҳужжат (бланк)лар**

-

## **3. Хизмат кўрсатиш**

### **3.1. Иш вақти**

Регламент ишлари: график асосида иш кунлари соат 09:00 дан 18:00 гача. Носозликларни бартараф этиш бўйича: хўжалик идораси билан келишилган ҳолда.

### **3.2. Кутиш шартлари**

Хўжалик идораси билан келишилган ҳолда.

## **4. Хизмат кўрсатиш тартиби**

### **4.1. Керакли ҳужжатлар**

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш бўлинмалари билан тузилган шартномалар.

### **4.2. Хизмат нархи**

Тузилган шартномага асосан.

### **4.3. Давлат хизмати кўрсатиш тартиби**

Техник хизмат кўрсатиш ва регламент ишлари қуйидагича хизмат кўрсатилади:

- юридик шахсларнинг объектларига ҳар ойда тасдиқланган график асосида;
- жисмоний шахсларнинг хонадонларига ҳар ярим йилликда тасдиқланган график асосида.

Носозликларни бартараф этиш хўжалик идораси мурожаати билан келишилган ҳолда.

### **4.4. Идораларо давлат хизмати кўрсатиш тартиби**

Хўжалик идораси мурожаатига асосан «Қўриқлаш-ёнғиндан огоҳлантирувчи сигнализация воситаларини созлаш учун тушган буюртмаларни рўйхатга олиш» журналига қайд қилингандан сўнг ўрнатилган тартибда.

### **4.5. Рад этиш**

Қўриқлаш хизмати учун тузилмаган шартнома.

## 5. Сифатни таъминлаш

### 5.1. Сифат параметрлари

Келиб чиққан носозликларни бартараф этиш ҳамда қўриқлаш-ёнғиндан огоҳлантирувчи сигнализация воситаларига ҳар ойда техник хизмат кўрсатиш.

### 5.2. Сифатсиз хизматга шикоятлар

«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан.

Ўзбекистон Республикаси Миллий  
гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси  
бўлим бошлиғи подполковник



А.Я. Эшқобулов

2019 йил «09» август